

Байтул мақдиснинг хароб бўлиши



15:00 / 14.04.2019 3306

Аллоҳ таоло Бану Исроилга Бобил подшоҳларидан бири Бухтанассор II ни ҳукмрон қилиб қўйди. Бухтанассор II бу даврда Байтул мақдисни бузди, Бану Исроилни қириб, ҳар тарафга тирқиратиб ташлади. Ана шу вақтдан бошлаб Бану Исроил ер юзида ҳар тарафга тарқалиб кетди. Улар Ҳижоз, Миср ва бошқа жойларда истиқомат қилишди. Ундан кейин форслиklar калдонийларни йўқотиб, Шом ва Мисрни эгаллаб олишди.

Европа тамаддунининг бошланиши

Одамлар Шом ўлкасидан кўчиб, Онадўли вилояти томон юзландилар. Европанинг жанубий тарафларига бориб, Ўрта ер денгизи қирғоқларига жойлашдилар. Сўнг Шимолий Европа томонларга ҳижрат қилиш бошланиб, у ерларда ҳам ободончилик ишлари йўлга қўйилди. Мисол учун, Болқон яримороли ва Италия диёрларида кучли ҳукуматлар барпо этилди. Мазкур

ҳукуматлардан бири Иғриқ (қадимги грек, юнон) тамаддуни бўлди. Кейинроқ румликлар тамаддунига ҳам асос солинди.

Бану Исроил тарихининг давоми

Бухтанассор II нинг ўлиmidан сўнг калдонийлар заифлашди. Бану Исроил Байтул мақдисга қайтиб, уни обод қилишди, лекин заифҳолликларича қолишди. Улар пайғамбарларини ёлғончига чиқарар, уларни қатл қилар, халқ орасида мункар иш кенг тарқалган эди. Натижада форсларга бўйин эгиб, уларнинг олдида хору зор бўлиб яшашди. Сўнг иғриқийларга, кейинчалик румонийларга бўйсуниб, хорликда ўтишди.

«Ислом тарихи» китобидан